

# ШАРТНОМА № 1330

Наманган шаҳар

«07» январ 2022 йил

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи «DREAMS PHARMA» МЧЖ кейинчалик "Сотувчи" деб юритилувчи номидан раҳбар И.Кучкарбоев бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Харидор» деб юритилувчи *Анжела Ким Турсунова мизбаним Шерхон* раҳбари *АМПИРДОНАЛ* иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Сотувчи" мазкур шартнома бўйича «Харидор»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги дори-дармонларни етказиб бериш, «Харидор» эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган холда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 2100000 сум 00 тийин (икки миллион бир юз минг сум 00 тийин) ташкил этади.

2.2. «Харидор» етказиб берилган маҳсулотлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 % аванс тўловини олдиндан "Сотувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Сотувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 10 (ун) кун муддатда маҳсулотларни етказиб беради.

2.4. «Харидор» тақдим этилган хужжатларга асосан 90 (туксон) кундан ортиқ бўлмаган муддатларда қолган 70%ини ҳисоб-китоб қиласди.

2.5. Етказиб берилган маҳсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Профол (Пропофол) эмульсия для в/в введ. 1% 20мл №1	упаковка	15	140000	2 100 000
	Жами				2 100 00

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Харидор»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Сотувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Олинадиган маҳсулотлар «Харидор»га транспортда ташилганда "Сотувчи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Сотувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган маҳсулотга мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотларни етказиб берилишини талаб қилиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганилиги ёки зарур даражада бажарилмаганилиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Сотувчи"дан талаб қилиш.

ўз буюрманомаси бўйича етказиб берилган маҳсулотларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.2. "Сотувчи" қўйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинишини «Харидор»дан талаб қилиш;

«Харидор»га маҳсулотларни мазкур шартномага мувофиқ «Харидор» буюрманомасига мувофиқ муддатда, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томониар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Харидор» муддатлар бузилган холда етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.4. «Харидор» илгари берилган буюрманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларнинг тегишли туркумларини етказиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Сотувчи"ни буюрманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 (уч) кун олдин хабардор қиласди.